

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2021 —

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Муассис:** Фарғона давлат университети.  
«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

---

#### Таҳририят ҳайъати

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

МАКСУДОВ Р.Х.  
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОҢОВ К. (Ўзбекистон)

ГУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОВ К. (Ўзбекистон)

---

#### Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)

ИСКАҢДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОҢОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

---

**Муҳаррир:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.

**Мусахҳиҳлар:** Шералиева Ж.  
Мамаджонова М.

#### Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-80  
Сайт: www.fdu.uz

---

Босишга рухсат этилди: 02.07.2021

Қоғоз бичими: 60×84 1/8

Босма табағи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма № 49

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

---

Фарғона,  
2021.

<b>М.Ражабова</b> Навоий ижодида қушлар ва ҳайвонлар образининг халқона асосларда ифодаланиши.....	74
<b>Н.Шарафиддинова</b> Поэтик синтаксис тушунчасининг белгиланиши ва предмети .....	79
ТИЛШУНОСЛИК	
<b>М.Абдупаттоев</b> Полисиндетон – полифункционал синтактик фигура .....	87
<b>М.Турдибеков</b> Конибодом тумани макро ва микро топонимлари .....	92
<b>М.Усманова</b> “Кўҳна дунё” асарида қўлланган арабий ва форсий изофанинг лингвистик хусусиятлари .....	96
<b>М.Иброхимова, Т.Алимов</b> Лингвокреатив медиамайдонда тилнинг экологик софлигини сақлаш.....	99
<b>М.Мадаминова</b> Мурожаат шаклларининг прагматик хосланиши.....	104
<b>С.Ҳабибуллаева</b> Исажон Султон ҳикояларида маънодош ҳамда зид маъноли сўзларнинг лексик- семантик хусусияти.....	111
<b>А.Уралов</b> Асимметрик дуализм ва функционал транспозиция .....	115
ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ	
<b>Р.Сафарова</b> Ўқувчиларда маданий дунёқарашни шакллантириш параметрлари.....	120
<b>Э.Мирзажонова</b> Шахснинг когнитив ривожланишининг эрта ташхиси ва ўзаро боғлиқлиги таълим самарадорлиги омили сифатида.....	124
<b>М.Туйчиева</b> Ўқув фани материалларини ўқишлилик даражасини оширадиган таълим методлари .....	129
ИЛМИЙ АХБОРОТ	
<b>М.Рахимов, Х.Муйдинов, А.Комилжонов</b> Четдан келтирилган қорамол ғунажинларини парваришlashнинг жадал технологияси .....	134
<b>Р.Пирназаров</b> Қурбонқўл қулама тўғонининг филтрацион кўрсаткичларини ҳисоблаш.....	137
<b>Б.Холматова</b> Учинчи ренессанс даврида маънавий ишлаб чиқаришни юксалтириш эҳтиёжи.....	140
<b>Н.Собиров, С.Исроилова</b> Хўжанддаги биринчи дунё урушининг Австрия-Венгрия кучларининг излари .....	144
<b>М.Болтабоев</b> Совет ҳокимияти ўрнатилган йилларда вақф мулкларининг аҳволи .....	147
<b>Д.Абдуллаев</b> Музей жамланмасида давлат мукофотларининг ўрни ва аҳамияти.....	150
<b>Н.Исраилов</b> “Шарқ кутубхонаси” асарида Амир Темур томонидан Хуросоннинг забт этилиши масаласини ўрганилиши.....	154
<b>А.Мусаев</b> XVII аср бошларида Фарғона водийсидаги сиёсий кураш .....	159
<b>С.Ҳамрақулов</b> “Фарғона” газетасида хорижий мамлакатлардаги воқеаларнинг ёритилиши .....	163

УДК: 374+008

## ЎҚУВЧИЛАРДА МАДАНИЙ ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ПАРАМЕТРЛАРИ

## ПАРАМЕТРЫ ФОРМИРОВАНИЯ КУЛЬТУРНОГО КРУГОЗОРА УЧАЩИХСЯ

## PARAMETRES OF FORMING THE CULTURAL OUTLOOK OF LEARNERS

Сафарова Рохатой Ғайбуллаевна<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Сафарова Рохатой Ғайбуллаевна – Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти лаборатория мудири, педагогика фанлари доктори, профессор.

**Аннотация**

Мақолада ўқувчиларда маданий дунёқарашни шакллантириш параметрлари ҳамда бу жараёнда ўқитувчининг тутган ўрни ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, мақолада ўқувчиларда маданий дунёқарашни шакллантириш билан боғлиқ педагогик талаблар ва имкониятлар таҳлил қилинган.

**Аннотация**

В статье обсуждаются вопросы формирования культурного кругозора учащихся и роль учителя в этом процессе. Также анализируются педагогические требования и возможности, связанные с формированием культурного кругозора учащихся.

**Annotation**

The article touches upon the issues of forming the cultural outlook of learners and the role of a teacher in this process. Furthermore, the pedagogical requirements and capabilities, related to forming the cultural outlook of learners, have been analyzed.

**Таянч сўз ва иборалар:** маданий дунёқараш, аждодлар мероси, маданий қадриятлар, шахсий намуна, исломий маданият асослари, маданий хулқ-атвор меъёрлари, хулқ-атвор намуналари, мактабдан ташқари таълим, соғлом турмуш тарзи, оилавий анъаналар.

**Ключевые слова и выражения:** культурный кругозор, наследие предков, культурные ценности, личный пример, основы исламской культуры, критерии культурного поведения, примеры поведения, внешкольное образование, здоровый образ жизни, семейные традиции.

**Key words and expressions:** cultural outlook, heritage of ancestors, cultural values, personality sample, Islam culture bases, cultural behavior criteria, behavior examples, extracurricular education, healthy mode of life, family traditions.

Ўқувчиларда маданий дунёқарашни ривожлантириш аждодларимизнинг кўп асрлик маданий бойликларини ёш авлод онгига синдириш натижасида амалга ошади. Маданий мероснинг ёшлар маънавияти ва маданий дунёқарашини ривожлантиришдаги бекиёс аҳамияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг сўнгги йилларда аждодларимиз мероси, ҳадис илми, мақом санъатини ривожлантиришга бағишланган бир қатор қарорларида ўз ифодасини топган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Халқаро Мақом Анжуманидаги нутқида “Агар биз, асл, ҳақиқий санъатни билмоқчи, ўрганмоқчи бўлсак, аввало, мумтоз мақом санъатини билишимиз, ўрганишимиз керак. Мақом оҳанглари, мақом руҳи ва фалсафаси ҳар бир инсон қалбидан, аввало, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг онги ва юрагидан чуқур жой олиши учун бор имкониятларимизни сафарбар этишимиз лозим”[1] деган фикрни илгари сурган. Шунингдек, мамлакатнинг тарихий

ривожланиш даврида маданият миллатнинг маънавий тажрибасини сақлаб, тўплаб ва авлодларга етказиб келганлиги, халқимизнинг бирдамлигини, ватанпарварлик ва миллий ғурур ҳиссини тарбиялаганлигини эътироф этган ҳолда, маданиятнинг устуворлигига урғу бериш, жамият ҳаёти сифатининг янада юқори даражасини таъминлаш, унда фуқароларнинг ҳамжиҳат бўлишига эришиш, маънавиятли, масъулиятли, мустақил фикрловчи, ижодкор шахсни шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрда “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4038-сон қарори қабул қилинди [2].

Бугунги кунда педагогик жамоанинг эътибори ўқувчи-ёшларда мақомлар, ҳадислар, мумтоз санъат намуналари, миниатюралар ёрдамида миллий маданий дунёқарашни шакллантиришдан иборат. Бундай дунёқарашни шакллантирмасдан туриб ўқувчи-ёшларда “оммавий маданият”

хуружларига қарши мурасасизликни тарбиялаш мумкин эмас. Педагоглар ўқувчиларда маданий дунёқарашни шакллантириш жараёнида уларнинг қизиқишлари, эҳтиёжлари, интилишларини аниқлаб, педагогик жиҳатдан қўллаб-қувватлашлари лозим.

Муҳим муаммолардан бири “оммавий маданият”нинг ёшлар онгига кўрсатаётган салбий таъсирини бартараф этишнинг педагогик имкониятлари ва параметрларини кенгайтиришдан иборат. “Оммавий маданият” тарафдорлари асл маънавий қадриятларни сохта қадриятлар билан алмаштиришга уринмоқдалар. Педагоглар олдида турган муҳим масалалардан бири ўқувчиларга асл маданий қадриятлардан сохталарини фарқлашга ўргатишнинг шакл, восита ва методларини ишлаб чиқишдан иборат. Ижтимоий-гуманитар туркумдаги ўқув фанлари ўқувчиларда маданий дунёқарашни шакллантиришда ўзига хос имкониятларга эга. Ушбу фанларни ўқитиш жараёнида педагоглар ўқувчиларга асл маданий қадриятлар, уларнинг келиб чиқиши, халқимиз ҳаётида тутган ўрни, жамиятнинг маънавий-маърифий соҳасини ривожлантиришдаги аҳамияти ҳақида аниқ маълумотларни етказишлари лозим. Худди мана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда фан ўқитувчилари шахсий-касбий фаолиятига муайян талаблар қўйилмоқда. Улар: замонавий педагогик-психологик билимларга эга бўлиш; маънавий-ахлоқий, маданий жиҳатдан етуклик; ижодий қувват ва касбий масъулият ҳиссига эга бўлиш.

Маънавий-ахлоқий тарбия ўқувчиларда умуммаданий компетенцияларни шакллантириш мақсадида амалга оширилади. Бундай компетенциялар доирасига: инсонлар орасидаги дўстона муносабатлар; бурч ва ўз хулқ-атвори учун масъулият ҳиссига эга бўлиш; меҳнат қилишга эҳтиёж ва меҳнатсеварлик; табиатга эҳтиёткорона муносабат; уйғун тарзда шаклланган оилавий ҳаётга интилиш; ўзлигини англаш ва ўз-ўзини тарбиялаш кўникмасига эга бўлиш.

Ўқувчилар ўзлаштириши зарур бўлган асосий маънавий қадриятлар сирасига: фидойилик, фуқаролик, оилани қадрлаш, ишонч ва эътиқод, озодлик, ғурур, раҳмдиллик, ҳақгўйлик, билимларни ўзлаштиришга интилиш, ижод ва меҳнат, санъатни севиш кабилар киради. Айнан мана шу маънавий қадриятларни турли ўқув материаллари таркибида ўқувчиларга тақдим этиш лозим. Ўқувчиларда маданий дунёқарашни

ривожлантириш учун ўқув-тарбия жараёнида қулай педагогик муҳит яратиш педагогнинг асосий вазифалари сирасига киради. Ўқувчиларда маданий дунёқарашни шакллантириш жараёнида педагоглар қуйидагиларни ҳисобга олишлари мақсадга мувофиқ:

- ўқувчиларнинг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда, уларга қадриятли муносабатда бўлиш;

- ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини ҳисобга олиш;

- ўқувчиларнинг ўз-ўзини англаш жараёнини ташкил этиш;

- умумий аҳамиятга эга бўлган қадриятлар билан ўқувчи шахсини маданий жиҳатдан ривожлантириш параметрларини уйғунлаштириш;

- ўқувчиларда хулқ-атвор ва фаолият мотивларини шакллантириш;

- ўқувчиларда ўз фаолиятини ташкил этиш, ўз-ўзини баҳолаш, мустақил билим олиш кўникмасини шакллантириш;

- ҳар бир ўқувчининг ижодий имкониятларини рўёбга чиқариш.

Ўқитувчилар ўқувчиларда маданий дунёқарашни шакллантиришда муайян принципларга таянишлари лозим: ахлоқий намуна кўрсатиш принципи; танлаган идеалига мувофиқ ўз ҳаётий фаолияти йўналишини белгилаш принципи; идентификациялаш принципи; диалог асосида мулоқотга киришиш принципи; тизимли фаолиятни ташкил этиш ва тарбиялаш принципи.

Фан ўқитувчилари ўқувчиларда маданий дунёқарашни шакллантириш жараёнида ўзлари ҳам шахсий намуна кўрсата олишлари керак. Улар ўзларида миллий ва умуминсоний маданиятга оид хатти-ҳаракатлар, ахлоқий хулқ-атвор кўринишларини мужассамлаштиришлари алоҳида аҳамиятга эга. Ўқитувчилар ўқувчиларга исломий маданият асосларини ҳам сингдиришлари талаб этилади. Бундай дарсларни ҳар доим аниқ мисоллар ёрдамида қизиқарли ва жонли ташкил этиш кутилган самарадорликка эришиш имконини беради.

Ўқувчиларга маданий хулқ-атвор меъёрлари ўргатиш экан, унинг жамият ҳаётидаги аҳамиятини ўқитиш талаб қилинади. Айниқса, адабиёт дарсларида ўқувчиларга асар қаҳрамонлари билан боғлиқ тарзда миллий маданиятга хос маълумотлар, меъёрлар, хулқ-атвор намуналари тақдим этилади. Бундай дарсларда қаҳрамонлар фаолиятига аниқ тавсифлар бериш асосида

улар йўл кўйган хатолар, эришган ютуқлар муҳокама қилинади. Маданий дунёқарашни ўзлаштириш натижасида ўқувчиларнинг атрофдагиларга бўлган муносабати ўзгаради. Жамият ва инсон ҳаёти учун аҳамиятли бўлган нарсалар, ҳолатларни қадрлашга одатланадилар. Ўзбек халқининг маданий бойликларини ижодий ўзлаштиришга бўлган интилишлари кучаяди. Натижада уларнинг хулқ-атворида ижобий ўзгаришлар вужудга келади.

Ўқувчиларда маданий дунёқарашни шакллантиришда дарсдан ташқари таълим-тарбиявий жараёнлар, ижтимоий-маданий тадбирлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Жумладан, “Наврўз – халқимизнинг азалий байрами”, “Аждодларимиз руҳи – мангу барҳаёт”, “Темурбеклар авлодимиз”, “Мен нечун севаман Ўзбекистонни...”, “Зулфия – баҳор ва садоқат куйчиси” ва ҳ.к.

Ўқувчиларга аждодларимиз, уларнинг маданий-маърифий фаолияти ҳақида рефератлар, лойиҳалар тайёрлашга оид аниқ топшириқлар бериш орқали ҳам уларнинг маданий дунёқарашини ривожлантириш мумкин. Бундай дарслар ва дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчилар ўзларининг миллий маданиятимизга оид билимларини бойитишга муваффақ бўладилар. Натижада уларда оммавий маданият воситаларини баҳолаш, саралаб ўзлаштириш кўникмаси шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “...ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш, ёшларни тарбиялаш ва уларнинг бандлигини таъминлашда мактабдан ташқари таълимнинг замонавий усуллари ва йўналишларини жорий этиш” каби устивор йўналишлар белгиланган[3]. Ўқувчиларда маданий дунёқарашни шакллантириш билан боғлиқ талаблар куйидагиларда ўз ифодасини топади:

- инсон эрки ва ҳуқуқларига ҳурмат билан қараш;
- Ўзбекистоннинг иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий ҳаёти ҳақидаги тасаввурларга эга бўлиш;
- Ўзбекистоннинг давлат рамзларини ҳурмат қилиш;
- Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги маълумотларни билиш;
- она тили ва миллий маданиятга қадрият сифатида муносабатда бўлиш;

- ўзбек халқи, унинг тарихий тараққиёти, давлатчилиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш;

- ўзбек халқининг буюк фарзандлари, уларнинг қаҳрамонликлари ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш;

- ўзбек халқининг байрамлари, қутлуф саналарини билиш;

- таълим муассасаси маданий-маърифий ҳаётида фаол иштирок этиш, ижтимоий фаоллик кўрсатиш;

- тартибсизликлар, масъулиятсизлик, ўз бурчларини бажармаслик ҳолатларига нисбатан салбий муносабатда бўлиш.

Ўқувчиларда маданий дунёқарашни шакллантиришнинг таркибий қисми сифатида ахлоқий-эстетик билим, кўникмаларни ҳосил қилиш муҳим педагогик аҳамиятга эга. Жумладан:

- ўзбек халқининг миллий қадриятлари ҳақида дастлабки тасаввурга эга бўлиш;

- салбий ҳамда ижобий хатти-ҳаракатларни ўзаро фарқлаш;

- жамоат жойларида юриш-туриш қонун-қоидаларини билиш ва унга амал қилиш;

- ўзбек халқи маданиятининг шаклланишида диний билимларнинг тутган ўрнини билиш;

- ота-оналар ва катталарга нисбатан ҳурмат, тенгдошлари ва кичикларга нисбатан адолатли муносабатда бўлиш;

- мулоқот ва юриш-туриш маданиятига оид кўникмаларга эга бўлиш;

- жамоада ўзаро ёрдам ва қўллаб-қувватлашга асосланган ижобий муносабат тажрибасини эгаллаш.

Маданий дунёқарашнинг таркибий қисми сифатида атрофдагиларга дўстона, ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган муносабатларни шакллантириш ҳам фан ўқитувчиларининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади:

- жамият ва инсон ҳаётида билим олиш, ўқиш, меҳнатсеварлик ва ижоднинг катта аҳамиятга эга эканлигини билиш;

- ижодий фаолиятнинг муҳим тури сифатида таълимга нисбатан қадриятли муносабатда бўлиш;

- инсон ва жамият ҳаётида илм-фан, ишлаб чиқаришнинг тутган ўрни ҳақида маълумотга эга бўлиш;

- ўзи ва бошқаларнинг меҳнати, жамоа мулкига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш.

Ўқитувчилар, шу жумладан, синф раҳбарларининг маънавий-тарбияга оид фаолияти алоҳида аҳамиятга эга.

Маданий дунёқарашнинг таркибий қисмларидан яна бири ўз саломатлиги ва соғлом турмуш тарзига нисбатан ўқувчиларда қадриятли муносабатни шакллантиришдан иборат:

- ўзи, оила аъзолари ва атрофдагиларнинг саломатлигига нисбатан қадриятли муносабатда бўлиш;

- ўқувчиларда оила аъзолари, синфдошларининг жисмоний, ахлоқий, ижтимоий-психологик саломатлигига нисбатан эҳтиёткорона муносабатнинг шаклланиши;

- шахснинг саломатлиги, меҳнат қилиши, ўқиши, ижодий фаолият кўрсатиши учун жисмоний тарбия ва спортнинг зарурлигини англаб етиш;

- шахснинг саломатлигига компьютер ўйинлари, телевидения ва реклама воситаларининг салбий таъсир кўрсатишини билиш.

Маданий дунёқарашнинг муҳим қисми сифатида ўқувчиларда табиат ва атроф-муҳитга нисбатан қадриятли муносабат тажрибасини ҳосил қилиш муҳим педагогик аҳамиятга эга. Жумладан: табиат, табиатнинг инсон ҳаётидаги ўрни, инсоннинг табиатга нисбатан фаол ижобий муносабатини тушуниш; ҳаётнинг барча шакллари ва табиатга нисбатан қадриятли муносабатда бўлиш; табиатни асрашга оид дастлабки тажрибаларни ўзлаштириш.

Маданий дунёқарашнинг асосий кўринишларидан бири эстетик идеал ва эстетик маданиятга эгалликда намоён бўлади.

Ўқувчиларда маданий дунёқарашни шакллантиришда таълим муассасаси билан бир қаторда оила ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Маданий дунёқарашга эга бўлиш жамиятда умуминсоний муносабатларни қарор топтириш, ёш авлодда гўзалликка, анъаналар ва халқ маданиятини эгаллашга нисбатан интилишни шакллантиришда ўзига хос аҳамият касб этади. Шунингдек, маданий дунёқараш оммавий маданиятнинг салбий хуружларига нисбатан собитқадамлик билан курашишни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида баён этилган куйидаги фикрлар ёшлар маънавиятини юксалтиришда алоҳида аҳамиятга эга: "...Илм йўқ жойда қоқлик, жаҳолат ва, албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади. Шарқ донишмандлари айтганидек, "Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!" Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юсак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётини эҳтиёжга айланиши керак" [4].

#### Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. "Мақом халқаро анжумани"даги нутқи. //Халқ сўзи. -2018 йил, 7 сентябрь.
  2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрда "Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПҚ-4038-сон қарори. <https://lex.uz>
  3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги "Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси" тўғрисидаги ПФ-5712-сонли Фармони. <https://lex.uz>
- 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси матни. <http://uza.uz>